

ҚАРШИ  
ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

# Қарду ХАБАРЛАРИ



2022 МАХСУС СОН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# **ҚарДУ ХАБАРЛАРИ**

**Илмий-назарий, услубий журнал**

**Журнал 2009 йилда  
ташкил этилган**

**Йилига 6 марта  
чоп этилади**

**МАХСУС СОН  
(Ижтимоий фанлар)**

**Қарши – 2022**

## **ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:**

Бош мухаррир  
Бош мухаррир ўринбосари  
Масъул котиб

проф. НАБИЕВ Д.Х.  
доц. ХОЛМИРЗАЕВ Н.С.  
доц. ЖУМАЕВ Т.Ж.

### **Таҳририят ҳайъати аъзолари:**

проф. БЎРИЕВ О.  
проф. ЖАББОРОВ А.М.  
проф. ЖАББОРОВ Н.А.  
б.ф.д. КУЧБОЕВ А.Э.  
проф. РАҲМОНОВ Н.Р.  
проф. РОЗИҚОВ Ў.А.  
проф. СУЛАЙМОНОВ Р.Х.  
проф. МАҲКАМОВА Н.  
т.ф.д. ХАСАНОВ А.М.  
проф. МАВЛОНОВ Ў.М.  
акад. САГДУЛЛАЕВ А.А.  
проф. ТҮРАЕВ Д.Т.

проф. ЧОРИЕВ А.Х.  
фалс.ф.д. ЧОРИЕВ С.А.  
пед.ф.д. ШОДИЕВ Р.Д.  
ф.ф.д. ШОДМОНОВ Н.Н.  
ф.-м.ф.д. ШУКУРОВ А.М.  
проф. ЭШОВ Б.Ж.  
проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х.  
проф. ҚУРБОНОВ Ш.Қ.  
проф. ГАФФОРОВА Т.Ғ.  
доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.  
доц. КАМОЛОВ Л.С.  
доц. ЭРКАЕВ А.П.

Манзилимиз: 180003, Қарши, Кўчабог, 17. Қарши давлат университети, Бош бино.  
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz  
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz

### **РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

Главный редактор  
Заместитель главного редактора  
Ответственный секретарь

проф. НАБИЕВ Д.Х.  
доц. ХОЛМИРЗАЕВ Н.С.  
доц. ДЖУМАЕВ Т.Ж.

### **Члены редколлегии:**

проф. БУРИЕВ О.  
проф. ЖАББОРОВ А.М.  
проф. ДЖАББОРОВ Н.А.  
д.б.ф. КУЧБАЕВ А.Э.  
проф. РАҲМОНОВ Н.Р.  
проф. РОЗИҚОВ Ў.А.  
проф. СУЛАЙМОНОВ Р.Х.  
проф. МАҲКАМОВА Н.  
д.и.н. ХАСАНОВ А.М.  
проф. МАВЛОНОВ Ў.М.  
акад. САГДУЛЛАЕВ А.А.  
проф. ТУРАЕВ Д.Т.

проф. ЧОРИЕВ А.Х.  
проф. ЧОРИЕВ С.А.  
проф. ШОДИЕВ Р.Д.  
проф. ШОДМОНОВ Н.Н.  
проф. ШУКУРОВ А.М.  
проф. ЭШОВ Б.Ж.  
проф. ЭШҚОБИЛОВ Ю.Х.  
проф. ҚУРБОНОВ Ш.Қ.  
проф. ГАФФОРОВА Т.Ғ.  
доц. АБДУЛЛАЕВ С.И.  
доц. КАМОЛОВ Л.С.  
доц. ЭРКАЕВ А.П.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Олий аттестация комиссияси Раёсатининг қарорлари билан физика-математика,  
кимё, биология, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик, филология ва педагогика фанлари  
бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш  
тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

### **Адрес редакции:**

180003, Карши, Кучабаг, 17. Каршинский госуниверситет, Главный корпус.  
Тел.: (97) 385-33-73, факс: 221-00-56; web-sayt: xabarlar.qarshidu.uz  
E-mail: qarduxj@qarshidu.uz или qarduxj@umail.uz

<b>Хушвақов Н.</b> Алакуйлак терракотасида сиёвуш қиёфасининг тасвирланиши.....	212
<b>Хушвақтов Н.</b> Самарқанд – Буюк Ипак Йўли муҳим тармоғининг хорижий адабиётларда тадқиқ этилиши.....	216
<b>Эшов Б.Ж.</b> Урбанизация жараёнларининг омиллари ва хусусиятлари масаласига оид илмий қарашлар .....	219
<b>Эгамбердиев Ф.П.</b> Тадқиқотларда Суғд тарихшунослиги масалалари .....	225
<b>Эрназаров А.Х.</b> Ғузор этимологиясига доир баъзи мулоҳазалар .....	227
<b>Эрниёзов И.</b> Советлар даврида тарихий маданий меросга муносабат масалалари (Қашқадарё вилояти мисолида) .....	231
<b>Эшмуҳаматов А.</b> Жиззах воҳасида чорвачилик тараққиёти: археологик тадқиқотлар, урф-одат ва маросимлар .....	234
<b>Ғаниев Б.</b> Қашқадарё анъанавий таълим тизими тарихидан .....	237
<b>Чориев А., Абдуллаева З.</b> Исмоилбек Гаспринскийнинг тарихий-маънавий қарашлари....	240
<b>Чориев А., Раҳмонов М.</b> Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасидаги маданий алоқалар .....	244
<b>Шадиева Д.</b> Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёни таҳлили .....	246
<b>Шодихонов С.</b> Структурно-словообразовательная классификация Английской военной терминологии .....	249
<b>Қаршиев А.А.</b> Бухоро амирлигининг сиёсий ҳаётида Сурхон воҳасининг тутган ўрни ..	253
<b>Қаршиев Р.М., Қулжонов И.А.</b> Жадидчилик ҳаракатининг тарғиботлари .....	256
<b>Қудратов Д.</b> Антик давр шаҳарсозликтанъаналари .....	260

### ФАЛСАФА

<b>Муминова З.</b> Тафаккурнинг физиологик ва руҳий-маънавий хоссалари .....	265
<b>Turayeva D.</b> Muloqotning shaxs hayotidagi o‘rnı .....	267

### СИЁСАТШУНОСЛИК

<b>Abdulxakimov B.</b> Raqamli texnologik taraqqiyot hamda yoshlar mafkurasi masalalari .....	270
<b>Axmadova N.</b> O‘zbekistonning xalqaro tashkilotlar va davlatlar bilan aloqalar (1991-2021 yillar).....	272
<b>Аҳмедов Т.</b> Бошқарувда коллегиаллик асосида қарор қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	276
<b>Maxmasobirova Y.U.</b> O‘zbekiston tashqi siyosatining Yevropa ittifoqi vektori .....	279
<b>Расурова Н.С.</b> Сиёсий партияларнинг шаклланиш тарихи ва унга таъсир кўрсатган омиллар.....	283
<b>Холиков F.</b> Ўзбекистоннинг хорижий ташкилотлар билан соғлом оилани ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлиги.....	287
<b>Ҳайдаров А.</b> Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.....	289
<b>Алимова М., Мирзакулов Б.</b> Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ва унинг оқибатлари.....	293
<b>Бердиева Г.</b> Бухоро амирлигига сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий, таълимотлар тараққиётининг халқ фаравонлигини таъминлашда тутган ўрни (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари).....	296
<b>Деҳқонов Б.</b> Ҳожагон-Нақшбандия таълимотидаги бағрикенглик тушунчасининг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни.....	299
<b>Рахматова X.X.</b> Мавлоно Жалолиддин Румий ва Ҳожа Аҳрор Валий қарашларининг уйғунлиги.....	302
<b>Салохов А.</b> Бухоро маърифатпаварлари меросида ёшларда миллий ва диний толерантликни шакллантиришнинг ўрни.....	305
<b>Султанова Л.</b> Таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш.....	308
<b>Шодиев Ж.Ж.</b> Мамлакатимизда инсон қадрини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари.....	311

ҳақиқий маънодаги озодликни орзу қилган ота-боболаримизнинг Ватан ва халқ баҳт-саодатини кўзлаган орзу-истаклари бугунги Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан руёбга чиққанлигидан далолат беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдусаттор Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. – Тошкент: “Академнашр”, 2017. – Б. 53.
2. Шамсутдинов Р, Каримов Ш, Хошимов С, Убайдуллаев Ў. // Ватан тарихи 2. – Тошкент: “Шарқ”, 2016. – Б.111.
3. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. – Т.: “Шарқ”, 1999. – Б. 74. // Эсанова Ш. Садри Зиёнинг “Рўзнома” асари тарихий манба сифатида.
4. Айний С. Эсадаликлар. – Тошкент: ЎзССР Давлат бадиий адабиёти, 1960. 7-том. – Б. 268.
5. Сайд Алиев. Бухорода битилган байтлар. – Тошкент:Faafur Fулом, 1992. – Б. 111.
6. Бухоро: тарих сахифалари. (Мақолалар тўплами) // Раупов С. Чор Россиясига қарамлик шароитида Бухоро амирлигидаги ижтимоий ҳаракатлар. – Бухоро, 1999. – Б. 70.

## **ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИДАГИ БАГРИКЕНГЛИК ТУШУНЧАСИННИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ЎРНИ**

**Дехқонов Б. (Бух ДУ)**

**Аннотация:** Хожагон-нақшбандиянинг реал ҳаётий шарт-шароитлар, инсоннинг мавжуд имкониятларига асосланганлиги унинг ҳамма замонлар ва барча табақалар талабига жавоб берадиган замини мустаҳкам тариқат эканлиги очиб берилган. Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абдухолик Гиждувоний таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган нақшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари маданий ҳаётда ниҳоятда муҳим роль ўйнайди, маънавий ўзгаришлар маълум эркинлик учун гоявий асос, омил бўлиб хизмат қилди.

**Таянч сўзлар:** Хожагон-нақшбандия, Абдулхолик Гиждувоний, хуфия, зикр, “Дил ба ёру даст ба кор!”, Тасаввуф, “Футуватномаи султоний”, “Насойимул мухаббат”, “Нафоҳотул унс” баркамоллик.

**Аннотация:** То, что Ходжагон-Накшбанди основано на реальных условиях жизни, существующих возможностях человека, свидетельствует о том, что это солидная секта, отвечающая потребностям всех времен и всех сословий. В Средней Азии учение Накшбанди, сформировавшееся на основе развития учений Юсуфа Хамадони, Абдухалика Гиждувани и его основных представителей, играет чрезвычайно важную роль в культурной жизни, духовные изменения послужили идеологической основой для определенной свободы .

**Ключевые слова:** Ходжагон-Накшбанди, Абдулхалик Гиждувани, мистерия, воспоминание, «Дил ба йору даст ба кор!», суфизм, «Футуватномай султоний», «Насойимул мухаббат», «Нафоҳотул унс», совершенство.

**Annotation:** The fact that Khojagon-Naqshbandi is based on real living conditions, the existing capabilities of man, reveals that it is a solid sect that meets the needs of all times and all classes. In Central Asia, the Naqshbandi doctrine, formed on the basis of the development of the teachings of Yusuf Hamadoni, Abdulkhalil Gijduvani, and its major representatives play an extremely important role in cultural life, spiritual change has served as an ideological basis for a certain freedom.

**Key words:** Khojagan-Naqshbandi, Abdulkhalil Gijduvani, mystery, remembrance, “Dil ba yoru dast ba kor!”, Sufism, “Futuvatnomai sultoniy”, “Nasoyimul muhabbat”, “Nafohotul uns” perfection.

Мусулмон Шарқида машхур тариқат пири, хожагон-нақшбандия силсиласининг асосчиси 1103 йили Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида туғилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, унинг отаси Имом Абдулжамил Ҳаққа яқин киши эди. Имом Молик авлодидан бўлган бу нажиб инсон ўз даврининг улуг донишмандларидан бўлиб, зоҳирий ва ботиний илмларда донг таратган. Абдулхалиқиң отаси ҳам, онаси ҳам Рум подшоҳларининг авлодларидан бўлиб, тақдир тақозосига кўра Гиждувонга келиб қоладилар.

Абдулхалиқ бошланғич таълимни Гиждувонда олиб, 9 ёшидаёқ Куръони Каримни ёд билган, 10 ёшидан бошлаб дарвешларнинг зикр тушишларида фаол иштирок этган.

Кейин таҳсилни Бухоро шаҳрининг машхур мадрасаларида давом эттиради. Бу ерда у Имом Садриддин деган замонасининг етук алломасидан тафсир илмини мукаммал ўрганади. Бир куни у ўз устозидан хуфия зикр (яширин зикр, дил зикри) ҳакида сўрайди. Устози унга бу илоҳий илм бўлиб, уни Худонинг ўзи хоҳлаган бандаларига ўргатишини айтади. Бу сұхбатдан бир неча муддат ўтгач, Хизр алайхиссалом келиб, Абдулхолик Фиждувонийга хуфия зикрдан таълим беради ва уни фарзандликка қабул қиласди.

Абдулхолик 22 ёшида Бухорога келган ўша даврнинг донгдор шайхи Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) билан учрашиб, унга шогирд тушади. Хожай Хизр унинг сабоқ пири бўлса, Хожа Юсуф сұхбат ва хирқа пирига айланади. Абдулхолик Фиждувонийдан ташқари, Хожа Абдуллоҳ Барракий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий каби ислом олами ва тариқат тарихида машхур шайхлар ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдлари ҳисобланадилар. Юсуф Ҳамадонийнинг истеъоди ва мақоми қанчалик улуғ бўлганлигини 17 та муриди комил авлиё даражасига етгани, Шарқ ҳалқлари ҳаётида муҳим ўрин тутган яссавия ва хожагон-нақшбандия тариқатларининг асосчилари бевосита унинг издошлари эканлигидан ҳам билса бўлади. Абдулхолик Фиждувоний устози Хожа Юсуф Ҳамадоний Ҳурносонга қайтиб кетгунига қадар у буюк зотнинг хизмат-мулозаматида бўлиб, хожагон тариқатининг усуулларини мукаммал эгаллайди (хожагон тариқатини гарчанд Хожа Абдулхолик асослаган бўлса-да, унинг ilk уруғлари Хожа Юсуф томонидан ташланган) ва кўп ўтмай ўзи ҳам йирик тасаввуф олимига айланади.

Хожа Абдулхолик Фиждувонийнинг тасаввуф тарихидаги буюк хизмати янги бир тариқатга асос солгани билангина белгиланмайди. Хожагон тариқати воситасида у умуман тариқатни Муҳаммад пайғамбар суннатига мувофиқлаштириди, уни турли бидъатлар ва ботил қарашлардан тозалади. Шариатга амал қилиш, ундан чекинмасликни асосий қоидага айлантириди. Таркидунёчилик, хилватни рад этиб, жамоат билан бирга бўлишни шарт қилиб қўйди. Оллоҳ муҳаббати деб дунёдан кечмасликка даъват қилди. Луқма ҳалоллиги – ҳар ким ўз меҳнати билан кун кўриши зарурлигини тариқатнинг асосий талаби қилиб белгилади. Бу тариқат тақво деб ҳаддан ошишни маъқулламайди. Ахлоқ масаласи қатъий қилиб қўйилди. Буларнинг барчаси тасаввуф тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Баҳоуддин Нақшбандга нисбат бериб машхур бўлган “Дил ба ёру даст ба кор!” – “Кўнглинг ёрдаю қўлинг ишда бўлсин!” шиори ҳам ғоя сифатида дастлаб Абдулхолик Фиждувоний томонидан илгари сурилганлиги бежиз эмас.

Абдулхолик Фиждувоний руҳидан тарбия топган ва Нақшбандия силсиласига асос солган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бу шиорни ўз тариқатининг асосий қоидаси қилиб олган (Воқеан, нақшбандиянинг ўзи ҳам хожагон силсиласидан ўсиб чиқкан бўлиб, хожагон-нақшбандия деб юритилади ва Абдулхолик Фиждувоний унинг бошловчиси (сарҳалқаи силсила) ҳисобланади). Хожагон-нақшбандиянинг реал ҳаётий шартшароитлар, инсоннинг мавжуд имкониятларига асосланганлиги унинг ҳамма замонлар ва барча табақалар талабига жавоб берадиган замини мустаҳкам тариқат эканлигидан далолат беради. Шариат андозасига солинган, бидъат ва нуқсонлардан холи Абдулхолик Фиждувоний йўлининг асрлар давомида тариқатда хужжат ва барча гуруҳларда мақбул, деб эътироф этиб келинаётгани ва Туркистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Ироқ, ҳатто Шимолий Африкада кенг тарқалган хожагон-нақшбандия тариқатининг ҳозирги кунда ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида фаолият кўрсатаётганлигининг сабаблари шунда[1:147].

Хожалар аҳлиниңг хожаси Абдулхолик Фиждувоний 1179 йили 76 ёшида вафот этган. У волидай мұхтарамасининг оёқ томонида дағн қилинган. Қабри Фиждувон шаҳрида табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади[2:6].

Хожа Абдулхолик Фиждувоний тасаввуф оламида машхур кўплаб шогирдлар тарбиялаб етиштирган. Унинг вафотидан кейин хожагон тариқати Хожа Ориф Ревгарий (Моҳитобон), Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Хожа Сайид Мир Кулол Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби ўз замонасининг донгдор шайхлари томонидан давом эттирилган ва кенг шуҳрат қозонган.

*Гар дар дилат аз касе шикоят бошад,  
 Дарди дили ту аз ў бағоят бошад.  
 Зинҳор ба интиқом машгул машав,  
 Бадро бадии хеш кифоят бошад.  
 Гар бир кишидан дилда шикоят бўлгай,  
 Дил оғриги ундан бениҳоят бўлгай.  
 Ҳеч ўйлама интиқом олишини, чунки  
 Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.*

Бу рубоий ҳам панд-насиҳат, ҳам фалсафий, ҳам диний мазмунга эга. Панд-насиҳатлиги шундаки, бирор киши сенинг қўнглингни оғритса, бундан беҳад изтироб чексанг-да, сира ундан ўч олишини ўйлама, зеро, ёмонга ёмонлигининг ўзи етарли жазодир, дейилмоқда. Фалсафий мазмуни эса қуйидагича: ёмоннинг ёмон бўлиб яратилганлигининг ўзи унга бир умрлик жазодир. Ҳарчанд уринма, сен унга бундан ортиқ жазо беролмайсан. Диний маъноси: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Худодан. Ёмон ёмонлигига бориб, ўз ҳаддини билмай сени ранжитидими, сен яхши бўлсанг, яхшилигингча қол-да, унга тенг бўлма – ёмонликка ёмонлик қайтаришни ўйлама. Бу икки жиҳатдан ўзини оқламайди: аввало, сен ҳам ёмонга тенг бўласан, қолаверса, илоҳий амрларга қарши борасан. Тўртинчидан, мўмин кишида кек-адоват бўлмаслиги керак, ўч олиш бу – шайтоннинг иши. Бинобарин, бирордан ўч олишга ҷоғланган одам бир лаҳза бўлса-да, шайтоннинг васвасасига учган бўлади. Шайтон васвасасига учиш эса иймоннинг сустлигидан дарак беради. Бешинчидан, ҳалқ орасида яхшилик – ҳамманинг иши, ёмонликка яхшилик – мард кишининг иши деган улуғ бир ҳикмат асрлар давомида яшаб келади. Демак, ёмонликка ёмонлик билан жавоб берган кишининг оддий одамлардан фарки йўқ, у олиҳимматлиликни даъво қилмаса ҳам, ўзини баркамол инсон деб хисобламаса ҳам бўлади. Ва, ниҳоят, олтинчидан, рубоийнинг асл мазмун-моҳияти шундаки, ёмонликка ёмонлик қайтаришни ўйлаган киши том маънодаги яхши одам эмас, унинг табиатида қайсиидир даражада ёмонлик уруғлари мавжуд ва бирорнинг ёмонлиги баҳонасида у юзага қалқиб чиқаяпти. Бу рубоийларда тасаввуф таълимотининг назарий коидалари ифодасидан кўра кўпроқ инсонийлик таранну мини кўрамиз.

Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, Ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастрраб у зоҳидлик харакати кўринишида куртак ёя бошлади.

Машҳур сўфий аёл Робия Адвия Тангрига муножотларида нола қилиб айтар экан: “Эй парвардигорим, эй Ёри азиз, агар жаннатнинг тамаъида тоат қиладиган бўлсам, жаннатингдан бенасиб эт, агар дўзахингдан қўрқиб ибодат қиладиган бўлсам, мени дўзахингда қуидир, мингдан-минг розиман! Аммо агар сенинг жамолингни деб тунларни бедор ўтказар эканман, ёлвораман, мени жамолингдан маҳрум этма” [3:58].

Исломшунос олим Аҳмад Заки Валидийлар оиласида Нақшбандий тариқатига ихлос килишлари хақида ўз “Хотиралари”да қуйидагича фикр билдиради: “Отам ва онам у Бухородаги Шайх Баҳовуддин Нақшбанд мақбараси эшигидаги дарахтга бели билан суюнса тузалишига ишонгани учун Бухорога бориб машҳур шайхнинг қабрини зиёрат қилди. Отам ва онам бирор киши Бухорони зиёрат қилиб қайтиши билан худди зиёратдан келган киши Маккадан қайтган ҳожидек зиёрат этиш учун боришарди” деб таъкидлайди.

Шу тариқа дунёдан кўнгил узган, аммо Зоҳидларларга ўхшамайдиган, “бир назар билан тупроқни кимё этадиган” зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажralиб турадиган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдик, уларни руҳ кишилари деб атардилар. Табийки, ана шундай бир вазиятда давр бу жараённи мўътадил ҳолда тутувчи ва тасаввуфнинг жамиятдаги маънавий маърифий, фалсафий-ирфоний миссиясини эслатиб турувчи мутафаккир бир зотга эҳтиёж сезар эди. Хусусан, нақшбандия улуғлари Абдураҳмон

Жомийнинг тариқатга киришини катта қувонч ва мамнуният билан қайд этдилар. Жумладан нақшбандия тариқатининг Хуросондаги улуг шайхи, Жомийнинг муршиди бўлмиш Саъдиддин Кошғарий “Ҳақ субҳона таъоло биз ошуфтаҳол факирларга бу соҳибкамол йигитнингсүхбатига етиш шарафини иноят айлади[4:78].

Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абдухолик Гиждувоний таълимотларини ривожлантириш асосида шаклланган нақшбандия таълимоти ва унинг йирик вакиллари [5:373] XIV-XV асрлардаги сиёсий ижтимоий ҳамда маданий ҳаётда ниҳоятда муҳим роль ўйнайди, маънавий ўзгаришлар маълум эркинлик учун ғоявий асос, омил бўлиб хизмат қилди. Темур ва Темурий шаҳзодалар, кўп олим-фозиллар, ҳунармандлар нақшбандия таълимотидан озука олдилар[6:18], ўз фаолиятлари ижодлари билан уни ҳар томонлама бойитдилар. XV асрда яшаб ижод этган нақшбандия таълимотининг йирик вакили Ҳўжа Аҳрор Вали фақат маданий ҳаётдагина эмас, сиёсий-иқтисодий тинчлик ва ривожланишида муҳим ижобий роль ўйнади[7:55].

Хулоса ўрнида, тасаввуф тарихи Ислом тарихи билан бирга ривожланиб, Ислом маданияти ва маърифатига улкан хисса бўлиб кўшилди. Агар дастлабки пайтларда Куфа, Басра ва Боғдод шаҳрларида саноқли даражада зоҳид ва сўфийлар яшаган бўлса, бора-бора мусулмон оламида шайху машҳоийхлар, сўфий дарвешлар, қаландарларнинг сони кўпайди, юқорида айтганимиздай, бу ўзига хос Ўрта аср маданий-маърифий, аҳлоқий қарашлар тизимида шаклланди. Бағрикенглик тасаввуфда инсоннинг маънавий камолот сари юксалишида ва жамиятнинг тинчлигини таъминлашда ҳамда инсонлараро биродарлик руҳини ёйилишида энг асосий тамойиллардан бири бўлганлигини ҳозирги замондаги кўпгина тасаввуфнинг нуфузли тадқиқотчилари ҳам таъкидлаб ўтганлар.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.: “Ислом Университети”, 2006. – Б. 147.
2. Н. Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т. “Ёзувчи” нашриёти 1996 й. – 6 б.
3. Ord. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar –Ankara: 1999, §43. – S 58.
4. Абдулвосеъ Боҳарзий. Мақомоти Жомий. 8-78-бетлар.
5. Мамажонов С. Фитрат // Маънавият юлдузлари. – Т., 1999. – Б. 373.
6. Футувватнома сultonий “Мерос” нашриёти, 1994 й. – 18 б.
7. Шарҳи истилоҳоти тасаввуф, 1 жилд. Муқаддима, – 55 б.

## **МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ**

**Рахматова Х.Х. (Бух МТИ)**

**Аннотация:** Мақолада Жалолиддин Румий ва Хожа Аҳрор Валий илмий меросидаги инсон, инсонийлик ва инсон ҳақиқати сұхбат, робита-устозага эхтиром ҳақидағи қарашларидаги уйғунлик, мұтасаввиғлар таълимотининг барқамол инсонни тарбиялашдаги аҳамияти ёритилған. Нақшбандия тариқатининг XV асрдаги йирик намояндаси Хожа Аҳрор Румий асарларини билган ва улардан яратған таълимотида фойдаланғанлығы күрсатыб ўтилған. Хожа Мұхаммад Порсо “Рисолай кудсия” асарида Баҳоуддин Нақшбандга берган таърифлари көлтирилған.

**Таянч сўзлар:** Жалолиддин Румий, Хожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Учинчи Ренессанс, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавии Маънавий” асари, “Фикроти Аҳрория” асари, ишиқ, ҳалолик.

**Аннотация:** В статье рассматривается гармония взглядов Джалалиддина Руми и Ходжи Ахрора Вали на научное наследие человека, гуманность и человеческую правду, диалог, уважение к учителю, значение учения мистиков в воспитании гармонично развитой личности. Утверждается, что Ходжа Ахрор, великий представитель секты Накшбанди в 15 веке, знал труды Руми и использовал их в своих учениях. В «Рисолай Кудсия» Ходжи Мухаммада Порсо дается описание Баҳауддина Накшбанды.

**Ключевые слова:** Джалалиддин Руми, Ходжаса Аҳрор Вали, Баҳауддин Накшбанд, Третье Возрождение, произведение Мавлана Джалалиддина Руми «Маснавий манави», «Фикроти Аҳрория», любовь, честность.

**Илмий-назарий, услубий журнал**

**ҚарДУ ХАБАРЛАРИ**

**МАХСУС СОН  
(Ижтимоий фанлар)**

Мусаҳхихлар:

Саҳифаловчи  
Навбатчи  
Техник мухаррир

**З. Рахматова**

**М. Набиева**  
**Я. Жумаев**  
**Т. Жумаев**  
**Ж. Рахматов**

**Муассис: Қарши давлат университети**

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан  
17.09.2010 йилда №14-061 рақамли гувоҳнома билан  
қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 09.04.2022 йилда берилди.  
Босишга 13.04.2022 йилда рухсат этилди.  
15.04.2022 йилда босилди.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84, 1/8.  
Times New Roman гарнитураси.  
Нашриёт ҳисоб табоги 29,43.  
Буюртма рақами: №27.  
Адади 70 нусха. Эркин нархда.

**Қарши давлат университети  
кичик босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

**Индекс: 4071**